**"Буюртмачи"**нинг ҳуқуқлари:

3.14. **"Пудратчи"**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.15. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.16. **"Пудратчи"**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.17. **"Пудратчи"** томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиклигини назорат қилиш.

3.18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.19. Агар **"Пудратчи"** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **"Буюртмачи"га** топширмаган тақдирда, **"Буюртмачи"** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **"Пудратчи"** объектни ўз вактида топширмаганлиги учун **"Буюртмачи"**га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5%и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **"Пудратчи"** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, **"Буюртмачи"** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и миқдорида жарима ундиришини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **"Буюртмачи"** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 **"Пудратчи"** нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, **"пудратчи"** да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда **"Буюртмачи"** ва **"Пудратчи"** ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2.Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб **30** кунни ташкил этади.

7.3.Ишларини бажариш бўйича маблағ "Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси" томонидан "Буюртмачи"нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумлада амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| **"БУЮРТМАЧИ"** | **"ПУДРАТЧИ"** |
|---|---|
| Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси<br>Андижон ш. А.Йўлдошев кучаси 30-уй<br>Тел/факс: 227-66-36 226-88-90<br>ш/х: 30452186003210704512911 8018<br>СТИР 304917491<br>ОКОНХ: 42110<br>Уз. Р. Молия Вазирлиги Ғазначилиги<br>Ғазна х/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи: МББХ ХККМ<br>МФО: 00014<br>Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919 | Булоқбоши ТЙФУК<br><br>Қумгузар МФЙ Наъмуна кўчаси<br><br>УЗ Миллий банк Андижон шаҳар филиали<br><br>х/р: 20210000500280723001<br>МФО: 00074<br>ИНН: 200 265 725 |
| **Директори:** Т.Мирзаев | **Директор:** И.Собиров |
| **Бош юрисконсульт:** З.Джаборкулов | |